



# Наврўзингиз муборак бўлсин!

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 21 март • пайшанба • № 39-40 (4169)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Касим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот аввалида Президентимиз Касим-Жомарт Тоқаевни Қозоғистон Республикаси Президенти лавозимига киришгани муносабати билан самимий табриклади ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Бу Қозоғистоннинг атоқли ўғлини, Биринчи Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоев ва бутун Қозоғистон халқининг янги Президентга юксак ишончининг ёрқин далилидир.

Қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшничлик алоқалари изчил мустақкамланаётгани, стратегик шериклик муносабатлари янги босқичда ривожланиб, кўп қиррали амалий ҳамкорлик кенгайиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Қозоғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилинган 2018 йилда товар айирбошлаш ҳажмининг рекорд кўрсаткичларига эришилди, иқтисодиётнинг турли тармоқларида янги кооперация лойиҳалари амалга оширилди, мамлакатларимиз ўртасида бизнес ва ҳудудлар даражасида мулоқот, жумладан, маданий-гуманитар алмашинувлар фаоллашди.

ЎЗА

## ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ҲОЛАТИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 март куни инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ишларини жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маълумки, инвестиция иқтисодиётнинг ҳаракатлантурувчи кучи – драйверидир. Кейинги йилларда бутун дунёда хорижий инвестициялар жалб этиш тобора мурраккаб кечмоқда. Масалан, 2018 йилда жаҳонда инвестиция оқими 19 фоизга камайган.

Шу боис, жалб этилган хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш, бу борада жадал ва тизимли иш олиб бориш зарур.

Жорий йил 8 январь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари инвестицияларни жалб қилиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берган эди. Шу асосда аниқ молиялаштириш манбаларини кўрсатган ҳолда Инвестиция дастури тасдиқланди. Хусусан, бу йил жами 4,2 миллиард доллар қийматидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши белгиланган.

Йиғилишда ўтган икки ойда бажарилган ишлар танқидий таҳлил қилинди. Давлатимиз раҳбари хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати умуман сўз кетаётганини таъкидлаб, мутасаддиларни жиддий огоҳландирди. Айрим тармоқ ва ҳудудларда чет эллик инвесторларга тақдим этиш учун аниқ ҳисоб-китобларга асосланган лойиҳалар бўйича тақдирлар йўқлиги танқид қилинди.

Президентимиз тегишли вазирлик ва ҳокимликлар зиммасига аниқ ва қатъий вазифалар юкланди. Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигига энергетика, нефть-газ, кимё, машинасозлик, электр техникаси, ахборот технологиялари ва бошқа муҳим соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш бўйича инвестиция лойиҳалари портфелини шакллантириш топширилди. Ҳукуматлараро комиссия йиғилиш-

лари инвестиция лойиҳаларини шакллантириш бўйича зарур майдонга айланмагани қайд этилар экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ҳар бир комиссиянинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Бутун дунёда давлат-хусусий шериклик тизими инвестиция жалб қилишнинг муҳим омилларидан биридир. Шунини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурда Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги тузилган эди. Йиғилишда мазкур агентлик фаолиятини ташкил этишга ҳам эътибор қаратилиб, мутасаддиларга транспорт, энергетика ва хизмат кўрсатиш соҳаларида давлат-хусусий шериклик асосида чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларни шакллантириш вазифаси қўйилди.

Янги тузилган Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш ишларини жадаллаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича чет эл сармояларини жалб этиш учун хорижий давлатларда тақдимотлар – роуд-шоулар ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Бу йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, марказлашган маблағлар ҳисобидан 3 мингга яқин объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган. Президентимиз молиялаштириш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни тезроқ яқунлаб, қурилиш ишларини қисқа муддатларда бошлаш бўйича ҳам топшириқлар берди. Бундай дастурларни ишлаб чиқишни

такомиллаштириш мақсадида лойиҳа институтларини бошқаришга хорижий тажрибани кенг жорий этиш кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ҳудудларда ишлаб чиқариш соҳаларига инвестиция жалб қилиш талабга жавоб бермайди. Ваҳоланки, мамлакатимизга кўп миқдорда фармацевтика ва гигиена воситалари, озиқ-овқат товарлари, болалар кийимлари импорт қилинмоқда. Аслида бундай маҳсулотларни юрти-мизда ишлаб чиқариш учун жуда катта имкониятлар мавжуд.

Шу боис, Президентимиз вазирлик ва идоралар раҳбарларига ўзларига бириктирилган ҳудудларга чиқиб, у ерда амалга оширилаётган лойиҳаларни жадаллаштириш, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун инвесторларни ҳудудларга, жумладан, эркин иқтисодий зоналарга жалб этиш бўйича топшириқлар берди.

Халқаро молия институтлари маблағларини ўзлаштириш ҳолатига эътибор қаратилган экан, бу борадаги йиллик режани бажаришда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Соғлиқни сақлаш, Сув хўжалиги вазирликларига қоқоқлик мавжудлиги қайд этилди. Мутасаддиларга ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Баъзи жойларда зарур инфратузилма йўқлиги инвестициялар жалб этишга тўсиқ бўлаётгани, лойиҳалар учун ер ажратиш, электр энергияси, газ, сув ва канализация тармоқларига уланишда муаммолар борлиги қайд этилди. Шу муносабат билан Иқтисодиёт ва саноат, Инвестиция ва ташқи савдо вазирликларига ҳудудларнинг инфратузилма объектларини ривожлантириш бўйича 3 йиллик дастур ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Барча топшириқлар ижросини таъминлаш ва муаммоларни бартараф этишга қаратилган амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎЗА

## КУН НАФАСИ

«2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ, жорий йилда 370 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

«Ҳуқуқий ахборот» канали

«Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва ўрлаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорини қабул қилинди.

uz.uz

«Эшитиш ва нутқда муаммоси бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорини қабул қилинди.

«Ҳуқуқий ахборот» канали

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Тунис Республикаси Президенти Муҳаммад ал-Божий Қоид ас-Сейсийни Мустақиллик куни билан табриклади.

Президент матбуот хизмати

Президентимизнинг «Тошкент шаҳрида Вебстер университетининг таълим дастурларини амалга ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини қабул қилинди.

uz.uz

Жанубий Корея Президенти Мун Чжэ Ин апрель ойининг ўрталарида Ўзбекистонга ташриф буюради.

podrobno.uz

Адлия вазирлиги тизимдаги очиллик ва шаффоқликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш мақсадида «Очиқ адлия» («Open Justice») ижтимоий дастурини тасдиқлади.

Адлия вазирлиги матбуот хизмати

Дилшод Чориев шимоли-ғарбий ҳарбий округи кўшинлари кўмондони лавозимига тайинланди.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

Тошкентда 23 мартдан иситиш мавсумини якунига етказиш бўйича ишлар бошланади.

gazeta.uz

Ўзбекистонда пластик чиқиндиларни қайта ишлаш корхонаси ташкил этилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги матбуот хизмати

Жорий йилнинг 11-13 апрель кунлари пойтахтимиздаги «BankExpo-2019» молия-банк хизматлари, ускуналари ва технологияларининг Миллий кўргазмаси бўлиб ўтади.

uz.uz

24 март куни пойтахтда биринчи Тошкент халқаро ярим-марафони бўлиб ўтади.

kun.uz

Бухорода Миллий гвардия сафида хизмат қилувчи 30 нафар ходимга янги уй топширилди.

Миллий гвардия матбуот хизмати

21-24 март кунлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида илк марта қозоғистонлик сайёҳлар иштирокидаги «Nomad-Rally 2019» (Қўчманчилар пойғаси) бўлиб ўтади.

kun.uz

## ЎЗБЕКИСТОН БАҲОРИ

Наврўз – Янги кун! Олам уйғонди. Табиат жонланди. Борлиққа баҳор тароватини етаклаб, Наврўз кириб келди. «Кўкка етдик, омонликка етдик», дея кексаларимиз шукрона айтади. Оташқалб ёшларнинг шижоати жўшади. Мусаффо осмонга чарақлаб чиққан қуёш дилларни-да нурафшон этади. Кўнгилларда байрам шукҳи, баҳор нафаси. Эзгулик ва бунёдкорлик, яратувчилик кайфияти дилимизни равшан этади.



Қудратилла РАФИКОВА, сиёсатшунос

Бир кечада гуллаган дарахт, бир пасда яшил либос кийган далалар кишида қандай ҳис-туйғуларни уйғотишини биласизми? Шундай лаҳзаларда беихтиёр Жалолиддин Румийнинг машҳур мисралари хаёлда айланаверади: Ай, ғунча! Ўзликни намоён этмоқни ўргат! Инсон ҳаёти ҳам шундай! Жамият ривожини ҳам шундай! Баъзан иш ва турмуш ташвишларидан бошингизни бир лаҳза кўтариб, атрофга боқсан-

гиз, ҳаётнинг нақадар ўзгариб кетганини кўрасиз. Юртимиздаги кейинги йиллардаги бунёдкорлик эврилишларини, одамларнинг дунёқарашини ва турмушида ўзгаришларни хаёлан таҳлил қилар эканмиз, уларда чинакам баҳор нафаси, Наврўз фалсафаси борлигини англаймиз. Барчаси Наврўз каби ҳаётбахш... Барчасида Наврўз фалсафаси – халқпарварлик, кексаларга ҳурмат, муҳтож инсонларга кўмак, адолат ва бағрикенглик мужассамлашган.



Хоразм вилояти

Бор бўл, оқибат!

Инсон манфаати барча нарсдан устун. Тақдири, ҳаёти буткул ўзгараётган юртдошларимиз қиёфасида бунга гувоҳ бўляпмиз. Эътироф этишимиз лозимки, эҳтиёжманд, ўзгалар қаровига муҳтож, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган ижтимоий сиёсат тўғрисида аҳоли турмуш фаровонлиги сезиларли даражада ошди.

## Тақдирни ўзгартирган кун

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ижросини таъминлашда қасаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этаётир. Қасаба уюшмалари томонидан ишлаб чиқилган аҳолининг кам таъминланган тоифаларига бегараз ёрдам кўрсатиш бўйи-



ча ҳудудий манзилли дастурлар асосида кам таъминланган, уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга, муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли ҳамда маиший шароитларини яхшилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

3»

41 ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ

Янгилашиш – тараққиётнинг асосий шарти. Бу ақсома. Янгилашиш, бу инновациядир. Бу атамани фақат фан-техникага оид деган инсон адашди. Негаки, ҳаётнинг ўзи ҳар кунини янгилашни талаб қилади. Ҳар кунини бир қолипда ўтган кишининг ҳаёти «суғур кунини»дан фарқ қилмайди. Шу маънода, бугунги сиёсатнинг асосий тамойилларидан бири инновация этиб белгиланган, унинг ҳар бир соҳада талаб этилаётгани қувончли.

гина кредит берган шу банкларми? Ишонмаганлар бориб кўрди, ҳақиқат. Демак, адолат бор экан.

Раҳбарлар халқ олдида келиб, аҳвол сўрай бошлади. Электр энергияси, газ таъминотидаги муаммолар ечим топмоқда. Энди чироқ ўчмай кўйди. Йўлларга эътибор қаратилди. Одамларда умид уйғонди.

Айниқса, меҳнат муносабатларидаги қарашлар буткул ўзгармоқда. Ўтган йилларда Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва хорижий экспертлар иштирокида пахтачиликда болалар

лиги эришиш, ерга бўлган муносабатни ўзгартиришдир. Буларнинг барчаси бозорлар ободлиги, дастурхон тўқинлигини таъминлайди. Дастурхонни тўқин элнинг эса ризқи бутун, ҳаёти фаровон кечади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва бунда давлатнинг ролини қисқартириш, тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, пахта ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг самарали усулларини жорий этиш

рилди. Унинг расмий очилиш маросимида давлатимиз раҳбарининг нутқини тинглаб эканмиз, ёдимиздан Амир Темур бобомизнинг «*Кудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган Ҷиҳодларга боқинг!*» деган пурвиқор сўзлари ўтди. Очиги, бу гапни биз илгари ҳам кўп айтганмиз. Бироқ, айтинг, ўтган чорак асрда биз қандай мухташам қурилишни қойил қилдик ўзи? Борини ҳам (бир пайтлар Тошкентда «Юбилейний» муз спорти саройи, «Бинокор» хоккей жамоаси бор эди) бузмадикми?

«Хумо арена». Унда яратилган шароитлар билан танишар, унинг юксак меъморий ечимига гувоҳ бўлар эканмиз, англаймизки, бу бино Ўзбекистон халқи фаровонлиги, тараққиёт ва ривожланиш йўлида янги саҳифа очилганининг рамзи бўла олади. Мен бундай бетакрор иншоотларни бунёд этиш учун инсон Ватанини сева олиши, чин юракдан севиши керак, деган фикрдаман. Насиб бўлса, бундай бунёдкорлик ишлари бардавом бўлажак.

нинг қайтиши, янгидан ишга туширилаётган лойиҳаларда эзгулик барқ ураётганини кўрамиз. Уларда Наврўз нафасини ҳис этамиз.

ДЎСТЛИК ВА АҲИЛЛИК РАМЗИ

Инсон ҳаётида бир неъмат бор, барча эзгу ишларнинг дебосчаси ундан бошланади. Тинчлик. Агар инсон хотиржам ҳаёт кечирмас экан, унинг ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Ҳаёт бардавомлиги, бунёдкорлик асоси бўлган ушбу неъматнинг қадри нақадар улуглигини яхши биламиз. Шундай ҳаёт боис мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётди. Ҳаётимиз гўзал, турмушимиз фаровон бўлиб бормоқда.

Наврўзда бир-биримиздан гина-қудуратимизни кўямиз, аразларни унутамиз. Наврўзда дўстлик ва аҳиллик фалсафаси мужасам. Тараққиётнинг илдизи – ҳамкорликда, бағрикенгликда. Зеро, тамаддун моҳияти ҳам чархпалак тенгласига асосланган. Сув туртки бермас экан, чархпалак айланмайди, экин обихаёти қолади.

Кейинги йиллардаги интеграциялашувга қаратилган ислохотлар жамиятга ҳам, иқтисодийга ҳам янги нафас олиб кирди. Қўшни давлатлар билан алоқалар тикланди. Чегаралар очилди. Салкам йигирма йил тўхтаб қолган борди-кеддилар боғланди. Ришталар қайта боғланди. Барча жаҳаларда бир-бирига суяниш, бир-бирини қўллашга киришилди.

Биргина 2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилганининг ўзиёқ фикримизнинг ёрқин исботидир. Ушбу ташрифларнинг тарихий аҳамияти ва самаралари халқаро экспертлар томонидан эътироф этилди ва юқори баҳоланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқалар сезиларли даражада кучайди. Ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Халқаро миграция ташкилотининг тўлақонли аъзосига айланди. Халқаро меҳнат ташкилоти билан эришилган муваффақиятга ҳамкорлик мамлакатимиз иқтисодиёти, халқаро майдондаги нуфузининг ошишига муносиб улуш қўшди.

Ўтган йил охирида Тошкент шаҳрида яна бир нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланган Касаба уюшмалари Умумқонфедерацияси (КУУ) Ижроия қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтгани ва унда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси мазкур ташкилот аъзоллигига қабул қилингани ҳам тарихий ишлардан бири бўлди. Касаба уюшмалари Умумқонфедерацияси давлатимиз раҳбарини фахрий олтин нишон билан тақдирлади.

Президентимизнинг йирик халқаро ташаббусларни илгари суриши жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг нуфузи юксалаётганини кўрсатди. 2018 йилда Ўзбекистоннинг 10 та муҳим халқаро ташаббусларни тўлиқ амалга оширилди. БМТ Бош Ассамблеясининг «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва исчи тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш» (22 июнь) ва БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» (12 декабрь) резолюцияларининг қабул қилиниши йилнинг алоҳида эътирофга молик воқеалари бўлди, албатта.

Ана шундай амалий саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, давлатимиз раҳбари Осиё журналистлар Ассоциацияси томонидан «Осиёнинг энг яхши сиёсатчиси» дея баҳоланди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги ёндашуви қўллаб эътирофларга сазовор бўлмоқда. Дипломатларимиз кўп йиллар асосан ташқи сиёсат билан шуғулланган бўлса, энди бир вақтда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялар киритиш, сайёҳларни юртимизга жалб этиш, хориждаги ватандошлар билан исчи иш олиб бориш каби масалаларга ҳам устувор вазифа сифатида эътибор қаратаётми. Юртимизга келиб-кечиш осонлашди, визасиз қирадиган давлатлар сони ортди. Буларнинг замирида халқимизнинг азалий қадрияти – меҳмондўстлик, бағрикенглик ва дўстлик фазилатлари намоён бўлмоқда.

Ҳазрат Навоий ёзади: *Улус чехраи олам афрўзидин, Билур йил келишини Наврўзидин...* Дарҳақиқат, халқимиз кўп йиллик кузатишлари асосида Наврўз ҳафтанинг қайси кунини келишига қараб, йилнинг ҳам қандай келишини аниқлашган. Бу йил Наврўз пайшанбага тўғри келибди. Наврўз пайшанба кунини кирса, йил қандай бўлади? «Бу йил неъмат кўп бўлади, – дейишган болаларимиз. – Деҳқон ишида баракка мўл бўлади. Фаровонлик ва юксалиш йили бўлади».

Илоҳим, шундай бўлсин! Юртимизда ҳақиқий баҳор – Наврўз бошланди. Янариш ва эзгулик айёмини кўтаринди руҳда кутиб олмақдамиз. Наврўзда қилинган ниятлар ижобатига ишонамиз. Тилагимиз – Ўзбекистон баҳори қутлуг бўлсин!

# ЎЗБЕКИСТОН БАҲОРИ

Оддийгина мисол. «Халқ қабулхоналари»ни олайлик. Дунё амалиётида ноёб бўлган ушбу инновация орқали минглаб, миллионлаб юрдошларимизнинг муаммолари оддийгина телефон ёки хат билан ечимини топа бошлади. Давлат хизматларининг онлайн тарзда йўлга қўйилиши эса оворагарчиликларнинг олдини олиб, беқиёс қулайликлар яратмоқда. Ахир, биз XXI асрда – ахборот технологиялари даврида яшаймиз. Шунда ҳам шу кунгача қоғозбозликнинг ва бюрократиянинг қулига айланиб қолмаганмидик. Замонавий технологиялар билан улардан қутулса бўлар экан-ку!


Ҳолбуки, бугун жаҳоннинг ривожланган давлатлари эришган ютуқларнинг барчаси айни инновацияни қўллаб билиш ҳосиласидир. Эътибор берсангиз, ўқийётган хабарингизнинг тўрттадан биттасида инновация кўриниш беради. Мана масалан, «Хитой Марсни забт этмоқчи», «Япония меҳмонхоналарида фақат роботлар хизмат қилади», «Сунъий онг яратилди» ва ҳ.к.

Бизда-чи? Очиги, шу пайтгача ўзимизнинг хомашени тайёр маҳсулотга айлантиришга ҳам эриша олмаган эдик. Минг машаққат билан етиштирилган пахта ҳам тола шаклида сотишга мажбур бўлгандик.

Бугун ҳаётимизга кириб келган инновация атамаси ва унинг ўзи буларнинг барчасига барҳам беришига ишонамиз.

Давлат ва жамият қурилишидаги ўзгаришлар халқимиз учун Наврўзнинг умидбахш муржаси каби жонланаётган ҳаётни тўхфа этди, уларни эртанги кунга, фаровон турмушга ишонттирди.

меҳнати ва мажбурий меҳнат бўйича олиб борилган тизимли мониторинглар натижаларига кўра мамлакатимизда болалар меҳнати мавжуд эмаслиги ҳамда мажбурий меҳнатга қарши жиддий чоралар кўрилаётгани дунё ҳамжамияти томонидан тан олинди.



АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Наврўзнинг энг муҳим фалсафаси – адолатдир. Халқимиз бу айёмда қишни енгган баҳор тантанасини, эзгулик шодиёнасини, ёруғлик ғалабасини кўрган.

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотларда жаҳон афкор оммаси дунё сиёсатида янги бир тўлқинни кўраётганини эътироф этмоқда. Бу тўлқинни ҳаракатга келтираётган куч эса Президент Шавкат Мирзиёев томонидан белгиланган мамлакатнинг янги тараққиёт йўлидир.

Бу бикиқликдан шаффофликка ўтган, дунёга кенг қулоч очган, ҳар бир қадамида одамлар манфаатини устувор қўйган ўзига ҳос истиқбол йўлидир. Амир Темурнинг бир хикматиини чуқур англадик бу йўлда: **Аدل-у эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.**

Биз узоқ йиллар бир нарсага эътибор қаратмадик: инсон манфаатларига. Ваҳоланки, тараққиётни яратадиган, келажакни белгилайдиган, давлатни давлат қиладиган халқ эди. Қоғозларда инсон манфаатини таъминлаш, одамларга шароит яратяпмиз, деб кўзбўямачилик қилдик. Аслида, келажакни белгилайдиган таълим тизимимиз ичидан емирилган, халқ учун керакли шароит яратилмаётган эди. Оддий оила фарзандининг олий таълим олиши банд дорга осилиш билан баробар эди. Фақат давомат учун борилган коллежни тугатиб, иш излаб хорижга кетишга мажбур бўлган фарзандларни тарбиялаётган эдик. Қишлоқларни-ку қўяверайлик, туман марказлари ҳам чироқсиз гўшаларга айланган эди. Банклар олдида нақд пул учун навбатда тизилган кексалар... Биргина муаммони ечиш учун давлат идоралари орасида сарсон бўлаётганлар... Энг ачинарлиси, халқнинг бунга кўникиб бораётгани эди. Кўникмаганлар, яхшироқ ҳаётни истаганлар эса хорижга иш ва ҳаёт излаб кетишга мажбур эди. Биз айни жиҳатлар боис қанча истеъодларимиздан айрилдик. Афсуски, бунинг ҳисоби ҳам осонмас.

Аммо, хайриятки, барчаси ўзгаришга юз тутди. Президентимиз «Одамлар бугун рози бўлсин» деган ташаббусни ўртага қўйди. Наврўз фалсафаси бўлган «Одамларнинг дард-у ташвишлари билан яшаш» тамойили давлатнинг фаолият мезонига айланди.

Давлат идоралари халқ билан мулоқотга киришди. Дастлаб банклар одамларнинг эшигини қоқди: кредит керакмасми? Тадбиркорлик қилинг, ишбилармон бўлинг, биз сармоя беришга тайёрмиз. Аввалгига одамлар хайратда қолишди: туш эмасмикан бу! Сармоя олиш учун оилаб қош-у қовоғига қараган, шунда ҳам баъзилари «шапка» олчар

Ўзбекистонда етиштириладиган пахта АҚШ Меҳнат вазирлигининг «Болалар меҳнати ёхуд мажбурий меҳнатдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган товарлар рўйхати»дан ўчирилди.

Яқинда (2019 йилнинг 13 мартда) 2018 йили дунёдаги инсон ҳуқуқлари вазирати бўйича йиллик маърузада АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари аҳволи кўп жиҳатдан сезиларли яшилганганини эътироф этди. Хужжатда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича муваффақиятли қабул қилинган ҳуқуқий ва маъмурий чоралар алоҳида қайд қилинди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги тараққиёти кўплаб хорижий ташкилотлар ва давлатлар эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда адашганларга имконият берилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, инсоний қадри тикланмоқда. Кунини кеча ҳам Президентимизнинг фармони билан Наврўз фалсафаси ва халқимизга ҳос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 44 нафар фуқаро афв этилди.

Энг асосийси, жамиятда адолатни қарор топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар дастлабки меваларини бера бошлади. Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш, чегара муносабатларини тартибга солиб, давлат идораларини тўлиқ халқ учун хизмат қилдириш каби халқнинг дилидаги оғриқларга барҳам берилмоқда.

Узоқ йиллар давомида ўз ечимини кутган бундай муаммоларни ҳал этиш, албатта, осон кечаётгани йўқ. Буларнинг бари — юксак ақл-идрок, донишмандлик, оқилона сиёсат, фидойилик ва матонат маҳсули.

Буларнинг барчаси инсон манфаатларига эътиборнинг самараси – Ўзбекистон баҳорининг чечакларидир.

ФАРОВОНЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ФАСЛИ

Наврўз. Кун-у тун тенглашди. Кўёш хут буржидан ҳамалга ўтмоқда. «Ҳамал – амал», дейди бободоҳқон. Қадимдан бу байрам деҳқончилик байрами бўлиб келган. Бу айём фаровонлик ва бунёдкорлик фаслидир.

Бугун қишлоқ хўжалигидаги ислохотларда шундай тамойил устувор: халқ бош бўлсин! Бу эътиборнинг юксак намунасини Президентимизнинг аҳоли билан мулоқотлари давомида кўряпмиз. Улардан кўзланган мақсад эса озик-овқат маҳсулотлари сероб-

бўйича кўрилаётган чоралар ўз самарасини бермоқда. Буни биргина «кластер» атамасининг иқтисодиётимизга кириб келишида ҳам кўриш мумкин.

2018 йилда мамлакатимиз ҳудудларида 16 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил қилиниб, уларга фермер хўжаликларининг қарийб 159 минг гектардан ортиқ экин майдони бириктирилди. Жорий йилда республика бўйича кластер усулида пахта етиштириши камида 52 фоизга етказиш учун 48 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Демак, ўз маҳсулотимизни ўзимиз тўлиқ қайта ишлайдиган даврлар яқин. Бу деҳқон меҳнатининг роҳатини кўради, деганидир.

Хитойда шундай ривоят бор: Конфуций болалигида балиқчининг олдида борибди. Балиқчи унинг ҳолига раҳми келиб, қўлига икки дона балиқ тутқазибди. Лекин Конфуций уни олмасдан айтибдики, менга тайёр балиқ берманг, балки балиқ тутушни ўргатинг. Шунда мен ҳам уни бошқаларга ўргатаман. Уйимга эш берган икки дона балиқ билан эмас, бир қоп балиқ билан бораман.

Ўзбекистондаги ислохотлар моҳиятида бугун тайёр балиқ эмас, балиқ тутушни ўргатиш технологиясини кўрмоқдамиз.

Ҳар бир инсон орзу билан тирик. Умид ҳаётнинг тиргаги. Барчамиз яхши яшасак, орзуларимиз рўёбини топса, бахтли ҳаёт кечирсак, деймиз. Шу йўлда меҳнат қиламиз, интиламиз. Уларнинг натижасини, ниятларимиз ижобатини тез фурсатларда кўргимиз келади. Фарзандларимиз иқболини кўришни истаймиз. Шундай бўлганда эса ҳаётдан рози бўламиз, эртанги кунга умидимиз ошади, меҳнатга шижоатимиз юксалади.

Мамлакатимизда бугун амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналиши ҳам айни шунга – инсон манфаатларини таъминлаш, унинг қадрини кўтаришга қаратилган. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан Жиззахнинг Манас қишлоғида бошланган «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига асосан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари 3 триллион сўм маблағ йўналтирилган, натижада 416 та ҳудуд янгича қиёфага эга бўлган бунинг ёрқин индикосидир. Ушбу эзгу ишлар бугун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзди. 2019 йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижроси учун 4 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратиш кўзда тутилган ва бу борадаги ишлар исчи амалга оширилаётгани бардавом бунёдкорликлардан далолатдир.

Наврўз байрами арафасида пойтахтимизда замонавий спорт кошонаси – «Хумо арена» фойдаланишга топши-

МЕҲР-ОҚИБАТ ИФОДАСИ

Наврўз – меҳр ва оқибат айёмидир. Унинг фалсафасида меҳрга муҳтож инсонларга кўмак кўрсатиш, ҳолидан хабар олишдек эзгу анъана жо бўлган. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда ана шундай улуг ҳикматни кўрмоқдамиз.

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ кам таъминланган оилаларга уй-жой қуриб бериш, уй-жойини таъмирлаш, тиббий хизмат кўрсатиш, маиший техника воситалари билан таъминлаш борасидаги ишларни кўрайлик. Қарор асосида айни вақтгача мингга қичи оила уйли бўлди. Беғараз! Айтинг, бундай ғамхўр давлат яна борми дунёда?! Бир оилада 4-5 киши борлигини инобатга олсак, қувонч доираси қанчалик кенглигини кўрамиз. Биргина ўтган йилда мазкур қарор асосида 5 мингга яқин уй-жой таъмирланди, 14 минг оилага маиший техника олиб берилди, 1200 нафар ночорликда кун кечираётган беморларга 4 миллион сўмдан моддий ёрдам берилди.

Инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин намунасини бугун мамлакатимизнинг энг шароити оғир ҳудуди Мўйноқда яққол кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили ноябрь ойида ушбу туманга ташрифидан сўнг мўйноқликлар турмуши бутунлай ўзгариб кетди. Ҳозирда Мўйноқ тумани қизгин меҳнат ва улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Ҳар кунини икки-уч лойиҳага старт берилмоқда. Аҳолини энг қувонтираётган янгиликларнинг бири бу Мўйноқ консерва заводининг қайта барпо қилиниши, иккинчиси 25 йилдан кейин самолёт қатнови йўлга қўйилиши бўлди. «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларига қўллаб қишлоқлар кирди. Туман марказида тўрт қаватли уй-жойлар, таълим муассасалари, дам олиш масканлари қурилишлари бошланди. Шу кунгача фойдаланилмасдан келган денгиз қирғоғидаги лойдан оҳақ, қумидан ойна, чиғаноклардан совун ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Дарё суви келадиган жойларда қувилмия ўстирилади, денгизнинг шўр сувидан артемиа олиш, ош тузи, томат пастасини тайёрлаш цехлари очилади. Бу ишлар учун тадбиркорларга банклардан кредитлар берилди. Оролинги қуриган қисмига саксовуллар экилмоқда. Мўйноққа ҳаёт қайтмоқда.

Бугун Мўйноқдан келадиган хушxabарларда – Оролдан чучук сув чиқиси, қушлар-

# Тақдирни ўзгартирган кун

## Янгилик айёмида янги уйлар

Хоразм вилояти бўйича 60 та кам таъминланган, турар жойи бўлмаган ёки авария ҳолатидаги ва жуда эски уйларда яшовчи оилаларнинг уй-жой билан таъминланиши белгиланган. Шу кунгача 57 та эҳтиёжманд оила ўз уйларига кўчиб ўтди.

Наврўзи олам шукӯҳи қалбларга шодлик улашга тун турар жойи бўлмаган ёки авария ҳолатидаги ва жуда эски уйларда яшовчи оилаларнинг уй-жой билан таъминланиши белгиланган. Шу кунгача 57 та эҳтиёжманд оила ўз уйларига кўчиб ўтди.



Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари Санъат Салаев, вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Даврон Аллакулов ва бошқалар ўз сўзларида мамлакатимизда одамларни рози қилиш мақсадида олиб борилган инсонпарварликка асосланган сиёсатнинг аҳамияти ва самаралари ҳақида тўхталдилар.

Янги хонадон эгалари калитларни қувонч ёшлари ва миннатдорлик билан қабул қилдилар.

Янги хонадон эгалари калитларни қувонч ёшлари ва миннатдорлик билан қабул қилдилар.

## Тўйлар тўйга уланди

Шу кунги янги турар жойга эга бўлган икки хонадон фарзандларининг суннат тўйлари ҳам ўтказилди.

Қизим Диноранинг ҳовли тўйи неварам Абдулазизнинг суннат тўйига уланиб кетди. Бир уйда олти оила яшарди. Диноранинг ўз уйига эга бўлгани мени жуда қувонтирди, — дейди Роза опа Алларова. — Бизга бу кунларни армуғон этганларнинг боши омон бўлсин, юртимиздан фойз ва барака аримасин.

## 85 ёшда уйли бўлган Мария момо

Мария момо «Дошёк» маҳалласида ўн тўққизинчи асрда қурилган эски уйда касалманд қизи ва ногирон невараси билан яшаб келаётган.

Менинг ҳам тақдиримда бундай кунлар бор экан. Умрим бўйи тўпрок орасида яшадим. «Эскини ямагунча эсинг кетади» деган мақолнинг маъносини мендан сўранг. Янги уй қуришга кўрбим етмади. 85 ёшимда замонавий уй-жойга эга бўламан деб ҳеч ўйламагандим. Эски уйимиздан игна ҳам олиб келмадик. Янги жиҳозлар билан беэзаб беришдик. Қувончимнинг чеки йўқ — дейди Мария Мурзина. — Бизга ғамхўрлик қилган, меҳр берганлар юзга кирсин! Умрим охиригача дуода бўламан.

## Чайла туш бўлиб қолди

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Хоразм вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси, Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Хива тумани кенгаши вакиллари ўтган йил қиш фаслида Ўзбекистон Республикаси Президентининг юзбекистон тилга олинган қарори ижросини таъминлаш мақсадида мавжуд вазиятни ўрганиш жараёнида чиқиндихона ёнидаги чайлада икки фарзанди билан яшаётган оилага дуч келишди.

Маълум бўлишича, Дилфуза Мадраҳимовани 2016 йилда қайнонаси уйдан ҳайдаб юборган, на ўзининг, на болаларининг бардош бериб келмади. Катта ўғли касалманд. Зудлик билан чоралар кўрилиб, Дилфуза ва унинг болалари маҳаллада бўш турган уйга вақтинча кўчириб ўтказилган. Унга ва фарзандларига шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар олиб берилди. «Бинокор» маҳалласига рўйхатга кўйилди. Д.Мадраҳимова туман ободонлаштириш бошқармасига ишга жойлаштирилди.

Мана энди унинг ҳам ўз уйи — ўлан тўшаги бор.

## Ҳаётнинг ёрқин ранглари

36 олти ёшли Сурайё Якубова тақдирнинг турли синовларига матонат билан бардош бериб келмоқда. Кўз касаллиги бўйича иккинчи гуруҳ ногирони бўлган аёл икки фарзанди билан турмуш ўртоғидан айрилди. Устига устак қизи Сарвиноз сил

касалига йўлиқди. «Болаларимизга юқади», деган баҳона билан яқинлари уни уйига йўлатишмади. Ижарама-ижара юриш оқибатида Сарвинознинг аҳоли оғирлашди. Она қизини вилоят болалар сил касалликлари санаторийсига олиб боргач, у соғай бошлади. Эндилқд қиз шу даргоҳда ҳам таълим олади, ҳам шифо топтомоқда.

— Бугун янги турар жой калитини қўлимга олиб, кўз нурим қайтгандай бўлди, — дейди Сурайё. — Ҳаётда ёрқин ранглар ҳам борлигини ҳис қилдим. Давлатимизнинг менга кўрсатган ғамхўрлигига жавобан, икки фарзандимни оқил, билимдон, эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялайман.

## Рақамлар ортда — одамлар манфаати

Хоразм вилоятида оғир маиший шароитларда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парвартиш қилган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида 2017-2018 йилларда эҳтиёжманд 412 та оиланинг уй-жойи таъмирланди. Мутлақо шароити йўқ, кулайлиқлардан мосуво 412 та хонадонда истиқомат қилувчи миндан зиёд инсонлар муносиб турмуш кечирishi имконига эга бўлди. 2581 та эҳтиёжманд оилага замонавий маиший техникалар, газ плиталари ва газ баллонлари топширилди. Кам таъминланган оилаларнинг 136 нафар касалманд ҳамда даволалиши мумкин бўлмаган аъзоларига тиббий хизматлар кўрсатилиб, уларнинг саломатлиги мустаҳкамланди. Ушбу мақсадлар учун жами 6 млрд. 716 млн. 312 минг сўм маблағ сарфланди.

## Имтиёзли кредитлар

Аҳоли турмуш шароитларини яхшилашда ажратилган кам фойдали имтиёзли кредитларнинг ҳам кўмаги катта бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2017 йил 20 октябрдаги 857-сонли қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларни бандлик билан таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредит ажратиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан кредит олишга эҳтиёжи бор кам таъминланган оилалар рўйхатини шакллантиришда, кредитларнинг ўз мuddатларида берилишида касабаси уюшмалари фаол иштирок этди.

## Дастур доирасида

«Обод қишлоқ» дастури доирасида ҳар бир ҳудудда намунавий қишлоқлар ташкил этиш, унда яшаётган кам таъминланган оилаларни уй-жой билан таъминлаш, турар жойларини таъмирлаш ва қорамоллар олиб бериш ҳамда бошқа йўналишларда ҳам касабаси уюшмалари яқиндан ёрдам кўрсатди. Жумладан, Қўшқўпир туманидаги Оқдарбанд қишлоғида истиқомат қилувчи 4 та кам таъминланган оилага 4 бош соғин сигир олиб берилди.

Касабаси уюшма ташкилотлари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган эҳтиёжманд оилалар аззоси бўлган 202 нафар аёлнинг Хива шаҳридаги «Ичан қалъа» кўриқхонаси музейларига саёҳати уюштирилди ва бунинг учун касабаси уюшмалари ҳисобидан 3250 минг сўм маблағ сарфланди.

Қолаверса, касабаси уюшма ташкилотлари томонидан 113 нафар ёлғиз кекса ва ногиронларга коммунал хизматлар учун 4 млн. 820 минг сўм тўлаб берилди. Ногиронлардан 3 нафарига махсус аравача, 65 нафарига кўлтиқтаёқ, 60 нафарига ҳасса тақдим этилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга мўхтож қатламларини моддий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида 70 нафар фуқарога 21 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Олий ўқув юрларининг кам таъминланган талабаларидан 44 нафарига касабаси уюшмалари стипендияси берилди.

## Қалбларда ажиб туйғу

Ҳа, амалга ошириладиган ислохотлар, қўриладиган манзилли чоралар минглаб инсонлар тақдирини бурилади ясамоқда, яшашга иштиёқ уйғотмоқда. Ўзини кераксиз, деб ҳис қилган қанчалар одамлар қалбида жамиятга фойда келтириш истаги туғилаётди. Давлатнинг ўзи хайрли ишларга бош бўлиб туриши қўллаб-қувватлашнинг хайр-саховатга ундаяпти. Не бахти, кулишни унутган опа-сингилларимиз, ака-укаларимиз юзига табассум инди. Бу бизнинг улғу миллатга, қудратли давлатга айланганимизни аңглатади.

Мўҳаббат ТУРАБОВА  
«Ishonch»



# Санаторийда сумалак сайли

«Чинобод санаторийси» АЖда Наврўз байрамини кўтаринки кайфиятда кўтиб олиш мақсадида «Наврўз — қадриятлар рамзи» мавзусида ҳафталик тадбирлар бўлиб ўтди.

Кун билан тун тенглашадиган бу сафоли байрамни санаторий ходимлари ва дам олувчилари ўзгача соғинч ва зўр шод-у хуррамлик билан кўтиб олдилар. Ташкил этилган фестиваль кўкламга бурканган санаторийнинг чойхона боғида ўтказилиши рамзий маъно касб этди ва азалий удум-у анъаналаримизга кенг ўрин ажратилди.

Наврўз онларида ота-боболаримиздан мерос бой маданиятимиз, бетакрор санъатимиз намуналари кўз ўнгимизда бир бутун бўлиб гавдаланади.

Алишер Навоийнинг «Ҳар тунинг қадри ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз» мисраси шир қилиб олинган байрам тад-

бири таниқли санъаткорларнинг чиқишлари билан янада қизиди. Бундан ташқари, китоб ва газеталар кўргазмаси, муқаддас қадимларга саёҳатлар, касабаси уюшмаларининг акцияси доирасида бепул дам олаётган фронт орти ва меҳнат фахрийлари иштирокида тадбир, сумалак сайли, «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида ўтказилган спорт мусобақалари ҳамда байрам дастурхони атрофида эстрада хонадалари ижросидаги куй-қўшиқлар ҳам санаторий ходимлари ва дам олувчилари янада кўтаринки кайфият улашди.

Абдуваҳоб ТОҶИБЕВ,  
«Чинобод санаторийси» АЖ  
маънавият ва маърифат  
кенташининг масъул котиби



## Жиззах вилояти

«Бошланғич касабаси уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўни» доирасида «Жиззах пластмасса» АЖда давра сўхбати ўтказилди. Унда тармоқ касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси Мавжуда Халилова бошчилигидаги мутахассислар, корхона раҳбарияти, ишчи-ҳодимлар, шу жумладан, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари қатнашдилар. Тадбирда касабаси уюшмалари фаолияти билан қизиққан «Kimyogaz qor» МЧЖ, «Helbeto-jizzah chemicals» МЧЖ-ҚК, «Jizzakh srone quality» МЧЖ-ҚК каби корхоналар вакиллари иштироки мавзу аҳамиятининг ўзига хос эътирофи бўлди.

## Давра сўхбати

«Кимёгар» («Фаргонаазот» АЖ), «Ёш кимёгар» («Дехқонобод калийли ўғитлар заводи» МЧЖ) оромгоҳларида ўтган йили 6135 нафар ишчи-ҳодим, кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларини соғломлаштиришди.

## Шавкат ТОЙРОВ,

Кимё ва фармацевтика саноти ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

# Бошланғичга амалий ёрдам

Республика кенгаши раиси М.Халилова Ўзбекистонда олиб бориладиган туб ислохотлар, амалга ошириладиган кенг қўламли бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳияти ва мазкур жараёнда Касабаси уюшмалари Федерациясининг фаол иштироки хусусида тўхталди.

Қайд этилганидек, Кимё ва фармацевтика саноти ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши томонидан ижтимоий шериклик асосида тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни янада кучайтириш мақсадида тизимдаги барча корхоналар жамоа шартномалари билан тўлиқ қамраб олинishi эришилган.

Меҳнат жамоаларида ёш мутахассисларнинг меҳнат жараёнига кўникиб кетиши учун «Устоз-шогирд» тизимини янада ривожлантириш ва устозлик қилаётган мутахассисларни рағбатлантириб бориш ҳамisha диққат марказида. Хусусан, «Ўз касбининг мохир эгалари» кўрик-танлови орқали тармоқ тизимидаги корхоналарда фаолият юритаётган устоз ишчи-ҳодимларнинг меҳнати муносиб

бахоланиб, рағбатлантириб боришмоқда. Танловнинг Республика босқичида иштирок этган вакиллardan икки нафари компьютер билан тақдирланди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини сифатли соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш ҳам алоҳида эътиборда.

Бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари тасарруфидаги «Кимёгар» («Максам-Чирчиқ» АЖ), «Чимён» («Аммофос-Максам» АЖ), «Кимёгар» (Қашқадарё вилоятидаги «Агрокимёхимоя» АЖ), «Офтобжон» («Навоийазот»



## Тадқимот

# Ғурур уйғотувчи фильм!

Кеча пойтахтнинг Алишер Навоий номидаги санъат саройи гавжум бўлди. Очиғи, яқин вақт ичида кинога тушмаганим сабаблими, бу ҳолатдан бироз ажабландим, шу баробарида, хурсанд ҳам бўлдим.



Кўлимда премьераси бўлиши кутилаётган «Элпарвар» фильмига таклифнома. Премьера ўтказишнинг ҳам ҳадисини олишибди. Акмал Мирзо билан Шохира Ҳамронинг овози Навоий кўчасига қадар етиб бормоқда. Фильм ижодкорлари бирма-бир қизил йўлақдан томошабинларнинг олқишлари остида кириб келишяпти. Қарсақлар, олқишлар... Нақадар ёқимли!

Биз бу ҳолат билан андармон бўлиб, кино намойиши залига бироз кечикиб-роқ кирдик. Ичкарида эса талотўй. Шу қадарки, ҳамроҳим Дармон Иброҳим билан базур жой топдик. Залда жойсиз қолганларга яна бир зални очиб берилди. Қувонччи хол... Энди фильм ҳақида. Асар давлат буюртмаси асосида суратга олинган. Эътибор қилинг-а, давлат буюртмасига асосан олинган киноасарларга илгари бу қадар қизиқши бўлмаган.

Кўлимда премьераси бўлиши кутилаётган «Элпарвар» фильмига таклифнома. Премьера ўтказишнинг ҳам ҳадисини олишибди. Акмал Мирзо билан Шохира Ҳамронинг овози Навоий кўчасига қадар етиб бормоқда. Фильм ижодкорлари бирма-бир қизил йўлақдан томошабинларнинг олқишлари остида кириб келишяпти. Қарсақлар, олқишлар... Нақадар ёқимли!

Биз бу ҳолат билан андармон бўлиб, кино намойиши залига бироз кечикиб-роқ кирдик. Ичкарида эса талотўй. Шу қадарки, ҳамроҳим Дармон Иброҳим билан базур жой топдик. Залда жойсиз қолганларга яна бир зални очиб берилди. Қувонччи хол... Энди фильм ҳақида. Асар давлат буюртмаси асосида суратга олинган. Эътибор қилинг-а, давлат буюртмасига асосан олинган киноасарларга илгари бу қадар қизиқши бўлмаган.

Бу фильм киноижодкорларимизнинг яқдил ансамбли мавжуд экани, агар астойдил ҳаракат қилинса, дунёвий даражадаги киноасарлари яратиш қурби борлигини кўрсатди.

Фильмдаги бош ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Мўҳаммад Рафиқов, Шафоат Раҳматуллаева, Убайдулла Омон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Фотиҳ Жалолов, Тоҳир Саидов, Сейдулла Молдахонов, Фарҳод Абдуллаев, Лола Элтоева, Турғун Бекназаров маҳорат билан ижро этган.

Менга бош ролни ўйнаган умидли актёр Абдуғофур Исоҳонов ижроси кўпроқ ёқди. Бир қарашда режиссёр ҳали ҳеч қаерда ярқ этиб кўринмаган ёшларга катта роль бериб таваккал қилгандек... Йўқ, аслида бу йигит қаҳрамонининг қайтмас характери оча олган.

Сюжети ҳақида ёзишим керакмас, чунки уни кўриш керак. Уйлайманки, уни зўр бериб «Ўзбек киносидаги янги қадам, уни бир поғонага юксалтирган фильм», дея жар солишларда жон бор. Мен уни кўришни тавсия қилган бўлардим. Тўғриси, киносаройдан кўнгилда ғурур билан чиқдик. «Ўзбекино»га, фильм ижодкорларига тасанно! Бўларкан-ку!

Сирли СИНЧКОВ

Энди Қозоғистон президенти вазифасини шу пайтгача Сенат раиси бўлиб келган Касим-Жомарт Токаев бажаради. Кеча у мамлакат Конституциясига биноан қасамёд қабул қилди. Шу тариқа Токаев сайланган президент ваколатларининг қолган муддатини бажарувчи президент бўлди. Унинг ваколатлари 2020 йилнинг апрелида ниҳоясига етади.

## Қозоғистон тарихида янги саҳифа

2019 йилнинг 19 март. Бу сана Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Марказий Осиё Дэн Сяопинига айланган кун сифатида тарихга муҳрланадиган бўлди. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев республика телеканаллари орқали халққа мурожаат билан чиқар экан, давлат раҳбари сифатида ваколатларини тўхтатишини эълон қилди. Назарбоевнинг Наврўз арафасидаги қарорини янги йил арафасида истеъфога чиққан Россия Президенти Борис Ельцинга ўхшатишди. Бунга ҳам қўшилиб, ҳам қўшилмаслик мумкин. Б.Ельцин истеъфога чиққач давлат ишларидан деярли четлатилди, Нурсултон Назарбоев ҳақида эса бундай деб бўлмади. Уни кўпроқ Дэн Сяопинга ўхшатиш мумкин. Нурсултон Назарбоев Президент сифатида истеъфога чиқди, ammo миллат етакчиси (Элбоши), Хавфсизлик кенгаши раиси ва «Нур Отан» партияси раҳбари сифатида фаолиятини давом эттираверди ва мамлакат сиёсий ҳаётида фаол иштирок этади. Дэн Сяопин партия раиси ўринбосари, Ҳарбий Кенгаши раисининг ўринбосари лавозимларини эгаллашига қарамай 70-йилларнинг охирига келиб, амалда партия ва мамлакат етакчиси айланган эди. Худди шундай фикрни эндиликда Нурсултон Назарбоев ҳақида ҳам айтиш мумкин.

латлар қаторига олиб чиқишни орзу қиларди ва бу орзусига эришди. Айтилган дамба Қозоғистон саноати тезлик билан тараққий этаётган, фан ва маданияти ривожланган мамлакат дея тан олинди. Бунда сўзсиз Назарбоев амалга оширган сиёсатнинг ўрни бекиёсдир. Қозоғистон парламентининг қарорига асосан мамлакат пойтахти эндиликда Нурсултон деб номланади. Бу буюк давлат раҳбарига бўлган юксак эҳтиром намунаси. Бундан ташқари, Қозоғистоннинг барча вилоят марказларидаги асосий кўчалар биринчи президент номи билан аталди, пойтахтда Назарбоев шарафига монумент ўрнатилиши ҳақида таклиф билдирилди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз-

ки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 19 март куни президентлик ваколатларини топшириш ҳақида эълон қилган Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди. Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев бир-бирларини самимий кутлар экан, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши кўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланаётгани, кўп қиррали сермахсул ҳамкорлик кенгайиб бораётганини алоҳида мамнуният билан таъкидладилар. Ўзбекистон Президенти узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларида мустақам пойдевор яратилишида қардош Қозоғистон Биринчи Президентининг шахсан кўшган ҳиссасини юксак баҳолади ва чуқур миннатдорлик билан қайд этди.

### Халқаро майдонда

Шарофиддин Тўлаганов

Шарофиддин Тўлаганов

### «Ishonch» йўлланмаси билан

Қора бахши Умиров  
Ўзбекистон халқ бахшиси

## Билмас



Қора бахши 1934 йили Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида туғилган. Отаси Умиров бахши Сафаров Шеробод дostonчилик мактаби асосчиси Шерназар бахшининг шогирди бўлган.

Бахшичилик санъати сирларини отасидан ўрганган Қора бахши ани пайтда Сурхондарё вилоятининг Музработ туманида истиқомат қилади. Унинг репертуаридан «Авазхон», «Малла савдогар», «Алломиш», «Нурали ва Семурғ», «Жаҳонгир», «Самангул ва Сувонгул», «Гўрўғлининг туғилиши», «Олтин қабоқ», Жузумқўзининг олиб келиниши», «Туркистон» каби дoston ва термалар ўрин олган.

У 1985-87 йилларда Хива ва Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестиваллари лауреати бўлган. 1999 йили «Алломиш» дostonининг 1000 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё республикалари бахши шоир ва оқинларининг халқаро кўрик фестивалида иккинчи ўринга сазовор бўлган.

Ўзбекистон халқ бахшиси Қора бахши Умиров бахшичилик санъати давомийлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиш баробарида кўплаб шогирдларни тарбиялаб келмоқда.

### Халқаро турнир

Шу йилнинг 26-30 март кунлари Тошкентда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси Республика кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан футбол бўйича «Doctors Community Cup – Tashkent – 2019» турнири ўтказилади.

## Футбол майдонида – шифокорлар



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ҳомийлигида ташкил этилаётган мазкур турнирда юртимиз шифокорлари билан бирга Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Беларусь, Украина ва Россия давлатлари шифокорлари терма жамоалари иштирок этади. Халқаро мусобақага Жаҳон соғлиқни сақлаш ходимлари Олимпия ўйинлари Ассоциацияси вакили Гийом Гассенд ташриф буюрмоқда.

Иштирокчи жамоалар 24 март куни Тошкентга етиб келади. Мусобақанинг тантанали очилиш ва қуръа ташлаш маросими 25 март куни бўлиб ўтади. Тадбир давомида футбол ўйинларидан ташқари «Тиббиёт ва спортда инновациялар» мавзусидаги илмий-амалий семинар ўтказилиши ва унда тиббиётнинг долзарб масалалари бўйича шифокорларимизнинг ўзаро ахборот ва фикр алмашилиши, шунингдек, иштирокчи жамоалар аъзоларининг Самарқанд шаҳрига саёҳатини ташкил қилиш орқали уларга юртимизнинг туристик салоҳияти ва имкониятларини кенг намойиш қилиш режалаштирилган.

29 март куни турнирнинг плей-офф ўйинлари ўтказилади, 30 март куни мусобақанинг қолиб ва совриндорлари аниқланади.

Зулфия ХОЛМУХАММЕДОВА, «Ishonch» муҳбири

Кўп йиллар давомида энергия ресурсларидан дебитор қарздорликни қайтариш, улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш борасида таъсирчан ишлар бажарилмагани сабабли аҳолининг тўлов маданияти ҳам пасайиб кетган эди.

## КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРДАГИ ҚАРЗДОРЛИК ёхуд пеня қандай пайдо бўлади?

Ана шу муаммо ва камчиликларни ҳисобга олган ҳолда Президент фармонига асосан Мажбурий ижро бюроси ташкил этилган эди. Бюро зиммасига энергия ресурслари учун тўловларни ўз вақтида ундириш, электр ва газ тармоқларида ноқонуний уланиш ҳамда талон-тарожиликларнинг олдини олиш ва бошқа ҳужжатларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш каби муҳим вазифалар юклатилган.

Тўлов миқдорини мустақамлаш орқали электр энергияси ва газ тармоқларини модернизация қилиш, барча ҳудудларда янги ишлаб чиқарилган ҳамда хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш мазкур ташкилотнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ақсарият ҳолларда гувоҳи бўламизки, баъзилар «менга қарздорлик ёзилибди,

ҳисоблагич бўйича қарз эмасман-ку», дейишади.

Хуқуқий нормаларга кўра, жисмоний шахслар ҳар ойнинг 10-санасига қадар ўтган ойда истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт. Юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларга энергия ресурслари олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш асосида етказиб берилади.

Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, истеъмолчилар тармоқдан мажбурий узилади. Бунда қайта улаш учун жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари, юридик шахслардан эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан тўлов ундирилади. Тармоқдан мажбурий узишнинг тартиб-таомиллари тегишли ҳужжатларда белгилаб қўйилди. Бунда адолат мезонлари асосида иш тутилади.

### Мутахассис фикри

Тўловлар вақтидан ўтказиб юборилган муддат учун пеня белгиланади.

Жорий йилнинг 11 февралдан бошлаб маиший истеъмолчилар (яъни – аҳоли) электр ҳақини ўз вақтида тўламаган бўлса, ҳар кун учун муддати ўтиб кетган тўловнинг 0,1 фоизи, лекин умумий қарз суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

2017 йилда пеня ёзиш ҳукумат қарори билан, «махсус фармойиш чиққунга қадар» тўхтатиб турилганди.

Яна бир эслатма: бир уйда яшовчи вояга етган шахслар электр энергияси учун қарздорлик юзасидан биргаликда жавобгар саналади (яъни, қарз фақат уй номида бўлган одамдан эмас, балки бутун оила аъзоларидан ундирилиши мумкин).

Айни вақтда ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш учун мунтазам равишда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этмоқда. Уларда фуқароларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб берилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, турли кингирликларнинг олдини олиш, электр энергиясидан мақсадли фойдаланиш, тўлов маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакат иқтисодиёти юксалиши ва аҳоли турмуш фаровонлиги ошишига ҳисса қўшиш асосий мақсадимиздир.

Бойбўри ИБРОҲИМОВ,

МИБ Деҳқонобод тумани бўлими бошлиғи ўринбосари



Янгиер шаҳридаги «Мурувват» ногирон аёллар интернат уйи 18 ва ундан катта ёшдаги руҳиятда сезиларли нуқсонлар бўлган аёлларга мўлжалланган тиббий ижтимоий муассасадир. Айтилган муассасада 145 нафар ақлан заиф, ногиронлиги бўлган аёлларга хизмат кўрсатилмоқда. Кунни кеча бу ерда касабаси уюшмаларининг «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» акцияси тадбири бўлиб ўтди.

Байрам тадбирини ташкил этишда вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорлик қилиниб, интернат уйида яшовчи ногирон ҳамда елғизларнинг ҳолидан хабар олindi, уларнинг яшаш шароитлари билан танишилди.

«Мурувват» уйининг эски биноси 2016 йил декабрь ойида мукаммал таъмирдан чиқарилиб, қўшимча янги бино ва ошхона қуриб битирилган.

Беморлар учун физиотерапия хоналари мавжуд бўлиб, доимий равишда терапевт, жарроҳ, гинеколог, стоматолог, руҳшунос, травматолог

сингари тор соҳа шифокорлари хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ерда кутубхона, тренажёр хонаси, маънавият ва маърифат хонаси ташкил этилган. Бемор аёллар йилда икки бора чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади. Кундалик жисмоний машқ билан шуғулланиш учун шарт яратилган.

– «Мурувват» уйида 3 йилдан буён фаолият юритаман, – дейди интернат



## Яхшилик – қувонч демакдир

уйи раҳбари Нафиса Шарипова. – Доимий ҳамкорлик қиладиган, ҳомийлик ёрдамларини кўрсатадиган қатор давлат ва нодавлат ташкилотларимиз борлиги ишимизни намунали ташкил этишимизда асқотмоқда. Кутубхонанинг иш бошлаши, интернат уйи ичида тикув цехи фаолияти йўлга қўйилиши каби хайрли ишларимиз ҳомийлар эътиборининг натижасидир. Байрам муносабати билан касабаси уюшмаларининг совғалари топширилган нафақат беморларимиз, балки ишчи-ҳодимларимизни ҳам мамнун этди.

Ақли заиф бўлган беморлар билан муомала қилиш ходимлардан кучли сабр, юксак малака, сезгирликни талаб этади. Иш қийинлиги ва тажриба талаб қилишига қарамай жамоа аъзолари анчайин ёш. Ҳамширалар малака ошириш ўқишлари ва семинарларда тажриба оширмоқда.

Бундай пайтда бошланғич ташкилот касабаси уюшма кўмитаси раиси Мавжуда Жиянова ташкил этган маданий тадбирлар, туристик саёҳатлар ходимлардаги ишчанликни тиклашга хизмат қилади. Маъмурият ва касабаси уюшмаси биргаликда ҳар бир ходимга эътибор кўрсатиш тадбирини ишлаб чиққанки, натижада ҳеч бир ходим ҳордиқ ва рағбатлантиришдан четда қолмайди.

Муассаса иш фаолияти тўлиқ хотин-қизлар билан боғлиқ. Чунки бу ерда яшовчи беморлар ҳам, ғамхўрлигида бўлган ходимлар ҳам аёллардир. Расм чизиш, китоб ўқиш, тўқиш, кўғирчоқ ясаш, гул парвартириш каби тўғарақларда беморларда ўзгариш ва қизиқиш шакллантирилади. Чизилган сурат ва тикилган кўғирчоқлар қараб беморлардаги қобилиятни пайқаш мумкин. Бу каби машғулотлар ўз самарасини беради.

Уларда одамовилик, бекиниш ва қочиб ҳисси йўқолган.

Муассасада 300 туп олма кўчатлари парваришланмоқда. Ҳар йили дарахтлар орасига қовоқ урувлари қадалиб, 2 тонналик ҳосил йиғиб олинмоқда. Бунда ҳам аёл кишининг тадбиркорлиги-ю тежамкорлиги, энг муҳими, меҳнатсеварлиги мужассам.

– Беморларимиз кўнглини олиш – асосий мақсадимиз. Хикматларда айтилганидек, «Яхшилик қилиш – бу мажбурият эмас, қувончдир», – дейди Нафиса Шарипова.

Меҳр-мурувват – бир-биримизга беришимиз зарур бўлган энг муқаддас туйғу. Бу туйғу ҳамма учун баббаравар.

Эзода МАМАДАЛИЕВА  
«Ishonch»



Эзгулик

# Келди олам Наврӯзи



## Маҳмуд КОШҒАРИЙ

Кулди баҳорнинг юзи,  
Оқди сел, эриб музи.  
Чиқди ёруғ юлдузи,  
Тинглагин, кулмай сўзим.

\*\*\*

Ёмғир ёғиб сочилди,  
Турли чечак очилди.  
Инжу куртак очилди,  
Чин ипор ҳид бурқирар.

\*\*\*

Қиш ёз билан тўқнашди,  
Қаҳрга тўлиб қарашди.  
Кураш учун яқинлашди,  
Енгаман деб олишар.

\*\*\*

Қор ва музлар эришди,  
Тоғ сувлари оқишди.  
Кўкда булут юришди,  
Қайиқлардек ўйнашиб.

Турли чечак очилди,  
Гулдор гилам ёйилди,  
Олам жаннатдек бўлди,  
Энди қайтмас совуқлар.

\*\*\*

Учқур отим шўхлик қилди,  
Шўхлик қилар ерни кўрди.  
Кўкни босиб булут келди,  
Баҳор сели ўйнаб ёғди.



## Носируддин Бурҳонуддин РАБҒУЗИЙ

Ўн икки укак етти ақрон қислиқ,  
Энг илки кўзи, уй, арандан, кучиқ  
Қур арслонма буғдой боши улқар аро,  
Чаён ҳам ёй, ўғлоқ, кўнак ҳам балиқ.  
Яна етти юлдуз буларда юриюр,  
Сакандир, ўнгай ул қуруд ҳам яшиқ.  
Сақат, орзу, ялчиқ ёғитек бўлур,  
Тўқушдин ўсанма кизибон ёриқ.

## Алишер НАВОИЙ



Эй юзунг боғи насимида ҳавойи наврӯз,  
Лаъли тожинг бўлуб ул боғда бўстонафрӯз.  
Зулфи рухсор ила комимға мени еткурсанг,  
Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун наврӯз.  
Кўнглим ул луъбат илигида гирифторм ўлмиш,  
Кушни ул навъики лаъб аҳли қилур дастомуз.  
Дарди ҳажрингда қуяр кўнглуму ўз ҳолимға,  
Кишисизликдан ўзумдурмен ўзимға дилсўз.  
Даҳр золиға кўнгул бермаки, Рустамларни,  
Макр ила айлади ожиз бу ситамгора ажуз.  
Кўк жафосидин ўлур хобгоҳинг бўз туфроғ,  
Бўлса остингда сипехр ашҳаби янглиғ кўк бўз.  
Эй, Навоий, сен-у Хусрав била Жомий таври  
Санъат-у рангни қўй, сўзда керак дард ила сўз.

## Заҳириддин Муҳаммад БОБУР



Баҳор айёмидур доғи йиғитликнинг авонидур,  
Кетур, соқий, шароби нобким — ишрат замонидур.  
Ғаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,  
Ғаҳи саҳни чаман гул чеҳрасидан арғувонийдур.  
Яна саҳни чаман бўлди мунаққиш ранги гуллардин,  
Магарким, сунъининг наққошига ранг имтиҳонидур.  
Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,  
Қаддинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.  
Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,  
Ғарибинға тараҳхум айлаким, анда жонидур.

## МУҚИМИЙ



Навбахор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Сухбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоқлар.

Хуш бу маҳфилда тириклик улфат-у аҳбоб ила,  
Ўйнашиб, гоҳе табиатни қилайлик чоғлар.

Рух очиб кўздин ниҳон бўлса паридек, найлайин,  
Айрилиб хуш-у ақлдин телба бўлмай соғлар.

Ҳайфким, аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,  
Олдилар ҳар ерда булбул ошёнин зоғлар.

Марҳам истаб кимсадин, заҳми дил изҳор айласанг,  
Чорае қилмоқдин ўзга, устига тирноғлар.

Тобакай мундоғ маломат кунжида доим Муқим,  
Бу замон кўз тутган эмди сенга бўлсин тоғлар.

## Умар ҲАЙЁМ



Гул узра кўкларнинг шабнами яши,  
Чаманда юз очган ҳамдами яши.  
Яхшимас кечаги кундан сўз очмоқ,  
Қувнаб қол, бу куннинг ҳар дами яши.

\*\*\*

Ариқ лабидаги ҳар гиёҳ, кўкат,  
Малакдай гўзалнинг юзидаги хат.  
Бу сабза — лоладек юзлар тупроғи,  
Сабзага авайлаб оёқ қўй ғоят.

\*\*\*

Лола юзин ювди ёғингар кўклар,  
Лимо-лим қадаҳга қўл узат бардам.  
Букун сен сайр этган ушбу кўкатлар,  
Эрта тупроғиндан унар жамулжам.

\*\*\*

На иссиқ, на совуқ, чиройли баҳор  
Булут гул юзидан ювади ғубор.  
Сариқ гулга булбул юрактилидан  
Фарёд қилиб дейди: «Май ичмоқ даркор!»

Бўлиб айёми наврӯзинг муборак,  
Замиринг инбисот андуз бўлсин!  
Қилиб партав фиканлик айни адлинг,  
Кўёш осо жаҳон афрӯз бўлсин!  
Санго дойим бўлиб давлат қуши ром,  
Шикор андоз-у дастомуз бўлсин!  
Аду ваҳшиларни сайд этарга,  
Ўқ-у тиғинг уқоб-у юз бўлсин!  
Кишиким, истаса саркашлиғ этмак,  
Боши йўлингда анинг туз бўлсин!

Тараб меҳри ҳамиша пок кўнглунг,  
Сипехр авжида маркуз бўлсин!  
Таробгоҳинг аро ҳаёти гардун,  
Каниз-у зол-у хилъатдўз бўлсин!  
Кўриб лутфингни ҳар кун Оғаҳийнинг  
Насиби ишрати наврӯз бўлсин!

## Муҳаммад Ризо ОҒАҲИЙ



Илоҳи ҳар кунинг наврӯз бўлсин!  
Ҳамиша толиғинг феруз бўлсин!



# Наврўзингиз муборак бўлсин! Хоразм вилояти касабма уюшма ташкilotлари бирлашмаси жамоаси



**Барча юртдошларимизни яшариш ва янгиланиш айёми – Наврўзи олам билан табриклайди. Наврўз ўлкамизга, халқимиз руҳиятига тириклик нашидаси, яшаш шуқуҳини олиб келган қутлуғ айёмдир. Миллатимиз руҳини ўзида мужассам этган, юртдошларимизга саодатли туйғулар бахш этган Наврўзи олам барчага муборак бўлсин! Хонадонингизга файз-у барака, юрт равнақи йўлидаги фаолиятингизга ривож тилаймиз. Шу қутлуғ кунларда қадалган уруғлар мўл-кўл ризққа, экилган ниҳоллар сервиқор дарахтга айлансин, қилинган ҳар бир тилак амалга ошсин. Ҳар бир хонадонга қалдирғоч, ҳар бир қалбга бахт ин қурсин!**

**Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!**

ЗУЛФИЯ

## НА ГЎЗАЛ ДАМЛАР БУ!

Баҳор келаяпти, уйғонмоқда дил,  
Гуллар ҳам тез!  
Қанот топ, нигоҳ топ, кўпчиманда ер,  
Ердан илдам тез!

Ана, бош кўтарди мунис бинафша  
Сўл-у соғингда.  
Борлиқни тўлдирган баҳорги наъша  
Со-ю тоғингда.

Шамолнинг бир қўли тортар далага,  
«Мен – саховат» дер,  
Осмон гавҳарларин ортмиш жалага  
Ҳовуч-ҳовуч тер!

Тупроқ баҳрини туй, ол нур рўмолни,  
Уч булут томон.  
Сенинг ҳароратинг кессин шамолни,  
Гулласин бодом.

Паға булутларнинг момиқ қўйнидан  
Симирган ёшлик,  
Кўёшининг ҳар дурун қучиб бўйнидан  
Жон олсин тошлик.

Чизилар сочилган тупроқ қатига  
Ҳар йилгидан мўл  
Тошлар ҳам жўр бу йил инсон аҳдига,  
Гул очмоқчи чўл.

Тошдан ҳам, ердан ҳам, уруғлардан ҳам  
Баҳорга чанқоқ  
Инсон бор!  
У борки, сен ҳам бой, кўркам,  
Кела қол тезроқ!

### Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

## «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг 14.03.2019 йилдаги 01-23/261-сонли буюртмасига асосан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА ҳисобидаги куйидаги автотранспорт воситаси кўйилмоқда:

1. 2009 йилда и/ч, «Эпика» русумли, д/р: 01 709 DFA бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 51 479 000 сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2019 йил 9 апрель кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида ўтказилади.

2019 йил 9 апрель санасида аукцион савдоси бўлиб ўтмаган тақдирда мулк бўйича аукцион савдолари 2019 йил 16, 23 апрель саналарида такроран ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомаси расмий иш кунлари 9.04.2019 йилдаги савдо учун 8.04.2019 йилга, 16.04.2019 йилдаги савдо учун 15.04.2019 йилга, 23.04.2019 йилдаги савдо учун 22.04.2019 йилга қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

### Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар:

– «Аукцион ташкилотчиси» билан закат пули тўғрисидаги келишув шартномасини тузиб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закат пулларини тўлашлари;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, х/р: 2020800005028108001, МФО: 00452, СТИР: 302523082.

«Аукцион ташкилотчиси» – «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки мулк билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй. Телефон: +99890 2997707. E-mail: kmss.res@mail.ru

Гувоҳнома № 006263

Аукцион савдолари хабарномаси

## «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. 2019 йил 22 апрель кунин соат 11:00 да ташкил қилинадиган савдоларга Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг 15.03.2019 йилдаги 236-сонли буюртманомасига асосан академия ҳисобидаги жами бошланғич баҳоси 147 068 253 сўм бўлган куйидаги мулкларни мужассам ҳолда кўйилмоқда:

№	Мулк номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Ҳар бирининг баҳоси (сўм)	Жами бошланғич баҳоси (сўм)
1	3,8x2,2 хажмли 154 дона темир панжара (демонтаж)	кв.м.	1043,5	93 150	97 202 025
2	Устун калинлиги 5 мм. бўлган труба 2,0 м. (89/дм.), (демонтаж) 78 дона	метр	156	59 400	9 266 400
3	Устун калинлиги 5 мм. бўлган труба 2,0 м. (120/дм.), (демонтаж) 78 дона	метр	156	93 600	14 601 600
4	2,5x2,2м. хажмли 1 дона дарвоза (демонтаж)	кв.м.	5,5	494 100	2 717 550
5	4,5x2,2м. хажмли 1 дона дарвоза (демонтаж)	кв.м.	9,24	494 100	4 565 484
6	3,6x2,2м. хажмли 1 дона дарвоза (демонтаж)	кв.м.	15,84	494 100	7 826 544
7	Квадрат 20x20мм.ни устига бириктирилган алоҳида найзаси 15x154	дона	2367	4 500	10 651 500
8	Дарвоза трубаси 150/дм.	метр	1	143 550	143 550
9	Дарвоза трубаси 120/дм.	метр	1	93 600	93 600

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабма уюшмаси Республика кенгаши тармоқ касабма уюшмасининг Ўрта Чирчиқ тумани кенгаши раиси Абдухамид Эрмакбаевга отаси  
Мавлон ота ЭРМАКБАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

II. 2019 йил 22 апрель кунин соат 12:00 да ташкил қилинадиган савдоларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли «Клиник руҳий шифохона»нинг буюртманомасига асосан шифохона ҳисобидаги 1984 йилда и/ч, д/р: 01 687 DCA техник ҳолати носоз бўлган ГАЗ 53 КО503 русумли юк автомобили кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 2 844 000 сўм.

### Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоси 2019 йил 22 апрель кунин бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2019 йил 30 апрель ҳамда 7 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2019 йил 22 апрель куниндаги савдо учун 19 апрель кунига қадар, 30 апрель куниндаги савдо учун 29 апрель, 7 май куниндаги савдо учун 6 май кунига қадар (байрам ва дам олиш) кунларидан ташқари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

### Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдордаги закат пулларини тўлашлари;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

– юридик шахслардан дав-

лат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этишлари сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига бўлган талабгорлар аукцион ташкилотчисининг ҳисобрақамига мулк сотилиш нархининг 2,0 (икки) фоизи миқдорда комиссия йиғимини тўлаб беради.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закат тўлови учун реквизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали. х/р: 20208000500842711001, МФО: 00452, СТИР: 305300366.

Аукцион савдосига кўйилган мулклар билан корхона вакили иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. Тел.: (99) 862-16-71. E-mail: bas\_savdo@mail.ru


Гувоҳнома № 576174.

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Массив Б-3, Блок-Б, 46-хонадон учун Раҳматуллаев Хикматулла Пайзуллаевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«O'zbekinvest Hayot» mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug'urta kompaniyasi jamoasi kompaniyaning Sirdarё viloyati filiali menejeri Jaxongir Fayziyobevga volida muhtaramasini

Турсунои она ФАЙЗИБОЕВанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



Бухоро вилояти

... Наврўз байрами арафасида Когон шаҳридаги «Малика текстил» корхонаси ҳудудини завқ-шавқ қамраб олди. Дошқозонда пиширилган сумалак баҳорий ноз-неъматлар билан безатилган тўкин дастурхонга тортилди. Ишчи-ходимлар, меҳмонлар бир-бирларига энг эзгу тилаklarини изҳор этдилар. Аҳил жамоа янги кун – Наврўзни шундай ёруғ юз ва кўтаринки кайфиятда кутиб олишмоқда.



Реклама ўрнида



**Ҳикмат**

**Иложи борича кўпроқ одамларга бахт ҳадея қилган киши энг бахтиёр кишидир.**

Д. ДИДРО



Наврўз шукўхи

# Янги кун одимлари

Ушбу корхонанинг ташкил топганига ҳали унчалик ўп вақт ўтгани йўқ. Аниқроғи, корхона фаолияти 2018 йилнинг октябрида бошланди. Бу ҳақда МЧЖ раҳбари Асалхон Мамаюсупова шундай дейди:

– 2018 йилнинг 16-17 февраль кунлари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Бухорога ташриф буюрган эди. Ташриф давомида ечимини кутаётган масалалар асносида янги иш ўринлари ташкил этиш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашда бир қатор долзарб вазифалар белгиланди. Жумладан, вилоят ҳокимлиги ҳузурида «Аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш махсус жамғармаси» ҳам ташкил этилди. Шу аснода биз ҳам «Микрокредитбанк»нинг Когон филиалидан 230 миллион сўм имтиёзли кредит олиб ишни бошлаб юбордик.

Кўш қаватли замонавий бинога 36 та энг сўнги русумдаги тикув машиналари ўрнатдик. Шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор ҳомий ташкилотлар ҳам бизга мададкор бўлишди.

Бугунги кунда шаҳар марказидаги кенг ва ёруғ цехларда 32 нафар хотин-қиз бичиш-тикиш машғулоти билан банд. Улар орасида касбининг моҳир ustalари ҳам, эндигина меҳнат фаолиятини бошлаган ёшлар ҳам бор. Чеварлар қўлида жило топаётган кийим-кечаклар, ишчи коржомалари ва бошқа либослар хушбичим ҳамда бежиримлиги билан буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Шунингдек, корхонанинг Бухоро туманидаги «Ростехстрой» МЧЖ билан ҳамкорликда тайёрлаётган турли ҳажмдаги экспортбоп момиқ сочиқлари ҳам хорижликларга маъқул келмоқда.

Корхонада ғайрат-шижоатли, тиришқоқ ёшлар қатори ижтимоий аҳволи оғир, боқувчисини йўқотган, тикувчиликка иштиёқи баланд ногиронлар ҳам ишга қабул қилинган. Улар бу ерда дастлабки уч ойда ўқитилади. Назарий ва амалий машғулотларда қатнашадилар. Кейин мустақил фаолиятга ўтадилар. Уларга касб сирларини ўргатишда жамоа етакчиси Асалхон Мамаюсупова қатори Латофат Кенжаева, Наргиза Шодиева, Татьяна Бозфамилная сингари уста ва тажрибали чеварлар алоҳида ғамхўрлик кўрсатадилар.

– Тақдир тақозоси билан турмушимдан ажралдим, – дейди корхона ишчиси Гулруҳ Жўраева. – Ногиронлигим бор. Шу боис, 3 нафар вояга етмаган фарзандим билан уйда ўтириб қолдим. Ҳаёт қийин кечарди.

Кўнглим чўкиб борарди. Шундай кунларнинг бирида Асалхон опага учрадим. У киши мени ҳаётга қайтарди. Корхонада ўқитишди, ўргатишди. Худода шукр, ҳозир мустақил ишлаяпман. Ўз вақтида маошимни олапман. Оиламга файз-у барака кирди. Бунинг учун яхши инсонлардан чексиз миннатдорман.

Бу каби илиқ, миннатдорчилик сўзларини тикувчи Ситора Тўраевадан ҳам эшитдик.

Асал Мамаюсупова асли фарғоналик. Когонга келин бўлиб тушган. Турмуш ўртоғи ҳам тадбиркор. Асалхон ёшлигидан тикувчиликка меҳр қўйиб, ушбу касбнинг нозик сир-асрорларини онасидан ўрганган. Мактабни битиргач, шу йўналишда маҳоратини ошириб, яқна тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланди. Кейин корхона эгаси бўлди. Эл орасида шухрат топди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева Бухорога ташрифи давомида мазкур корхонада бўлиб, жамоа фаолияти билан танишди. Асалхоннинг ҳаракатларини ижобий баҳолаб, йўл-йўриқ кўрсатди, маслаҳатлар берди. Эндilikда Асалхон Мамаюсупова буюртмачилар доирасини кенгайтириб иш ўринларини янада кўпайтириш, ишчиларга ғамхўрликни ошириш режаларини белгилаб олган.

Наврўзда қилинган ниятлар ижобат бўлади, дейишади. Шундай кутлуғ кунларда биз ҳам Асалхоннинг эзгу ниятларига қўшилаемиз. Ишингиз доимо омадли ва баракали бўлсин!

Иззатулла ҲОЖИЕВ



## Когон шаҳридаги «Малика текстиль» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Абдусамид КўЧИМОВ

**ВАТАН**

Бошингда осмон-у, қошингда қуёш, Тасвиринг чизолмай мусаввир ҳалак. Шоир сўз ахтариб қотиради бош, Булоқдай қайнайди ошуфта юрак.

Париваш жамолин қилади кўз-кўз, Бағрингда барқ урган ҳар гул, ҳар қиёқ. Фақат шоиринга етишмайди сўз, Фақат мусаввирга етмайди бўёқ.


**Азиз юртдошларимизни, тармоқ ишчи-ходимларини ва барча тадбиркорларни яшариш, баҳор ва гўзаллик байрами – Наврўзи олам билан чин қалбдан муборакбод этади!**

**Бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизга шукроналар айтиб, янада порлоқ келажакимизга ишонч билан боқаятган, қалблари шодлик ва қувончга тўлган элдошларимизга сиҳат – саломатлик, хонадонларига бахт-у саодат, файз-у барака тилаймиз! Юртимиз тинчлиги, ободлиги ва халқимизнинг омонлиги барқарор бўлсин!**



Табриқ

# Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши



## Наврўзи олам муборак бўлсин!

Шажло АХРОРОВА

**НАВРЎЗ**

*Камалак ёдусига  
Ийманиб беланганим,  
Ҳар гунча кулгусидан  
Дур бўлиб эланганим*

*Наврўзинам, кел, билсанг,  
Бахтга лойиқ, ёр бу юрт!  
Ҳар боласин кўксидан  
Бир кўёши бор, бу юрт!*

*Наврўз, Наврўз, гул Наврўз,  
Кучоқ очиб кел, Наврўз,  
Осмон қадар бошимдан  
Ёғду сочиб кел, Наврўз!*

*Бунда тош гулга кирар,  
Майсалар йўлга кирар,  
Бунда жаннат қушлари  
Бахт тилаб тилга кирар!*

*Сендек сахий қўл, бу юрт,  
Дуолари мўл бу юрт,  
Нурдай тоза тилаги  
Эзгуликка йўл, бу юрт!*

**Барча юртдошларимизни, шу жумладан, касаба уюшма аъзоларини қутлуғ шодиёна – Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади!**

**Азалий улуғ қадриятларимизнинг ёрқин ифодаси бўлган ушбу қувончли байрамда юртимиз аҳлига соғлиқ-омонлик, бахт-у иқбол тилайди.**

Бунёдкор, меҳнатсевар ва тинчликпарвар халқимиз турмуш тарзи янада фаровонлашиб, мамлакатимиз бундан-да гуллаб-яшнасин!  
Ҳар бир хонадондан файз-у барака, меҳр-оқибат аримасин!

## Когон тумани тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

**ШАМОЛ ҚУВИБ КЕТДИ  
СОВУҚ ҚИШЛАРНИ**

Булутлар ёйилди кўкни тўлдириб,  
Шамол қувиб кетди совуқ қишларни.  
Яна дарахтларни ўйга чўмдириб,  
Қораси кўринди оппоқ қушларни...  
Бугун ҳам отгиси келмай отди тонг,  
Бугун ҳам дардини ичига ютди.  
Кексайган ҳолига қарамай осмон,  
Сузғичдан ўтказиб олар булутни.

**Қадри баланд юртдошларимиз ва соҳа ходимларини умумхалқ байрами – Наврўзи олам билан қутлайди!**

**Наврўз фалсафаси, Наврўз қадриятлари – одамларнинг дард-у ташвиши билан яшаш, кексаларга ҳурмат, эҳтиёжманд инсонларга эътибор ва мададкор бўлиш, адолат ва халқпарварлик ҳар биримизнинг фаолиятимиз мезонига айлансин!**

**Барча пок орзу-ниятларимиз амалга ошсин!**

Хосият РУСТАМОВА



## XALQ BANKI

**Акциядорлик тижорат**

**Халқ банки жамоаси юртдошларимизни яшариш ва янгилашиш айёми –**

# Наврўзи олам

**билан самимий табриклайди!**

**Юртимиз тинч, хонадонларимиз файзли бўлсин!**



**Халқ банкидан байрам акцияси!**

- Халқ банкидан халқаро "Visa" тўлов картасини очиш, ушбу карталардаги маблағларни ечиш 2019 йилнинг 1 апрелига қадар бепул этиб белгиланди.
- Интернет тўлов ва смс хабарларга улашиш эса мутлақо бепул.
- Халқаро тўлов картасининг депозит суммаси 15 АҚШ долларига туширилди.

**Телефонлар: (71) 200-00-55, (78) 120-17-70, 120-17-32**

100096, Toshkent sh., Qatortol ko'chasi, 46    +998 71 200-00-55    www.xb.uz  
@xalqbanki    info@xb.uz